



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 7 июнь, № 120 (7622)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи куни Фарғона шаҳрида вилоят ва туман ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари халқ билан очикча гаплашиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида келганини таъкидлади.

— Мен қисқа, сизлар кўпроқ гапир-саларингиз тўғри бўлади. Мактов керак эмас. Президентга энг катта мактов — бу халқ ишончи. Ҳали энди биринчи қадамларни қўяпмиз. Келиб, қарасак эшитиб кетиш менга-ям осон. Лекин бундан натижа бўлмайди. Туманларга ўзим боришнинг сабаби — одамларнинг яшаш шароитларини юрагимдан ўтказиб, анж чоралар кўриш, ислохотлар узок-узок жойларда ҳам натижа беряптими, қуйи тизимдаги раҳбарлар садоқат билан, жон куйдириб иш-лаяптими, деган саволларга жавоб топиш. Ҳар куни бундай учрашув бўлмайди. Аччиқ-аччиқ масалаларни қатъий қўйинглар, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ўтган ҳафта Сўх туманида бўлган воқеаларга ҳам тўхталиб, муносабат билдирди.

— Кейинги йилларда қўшни давлатлар билан чегарадош жойлардаги кўп муаммоларни ҳал қилишга эришдик. Сўхдаги воқеалар қирғиз халқи билан дўстлигимизга, борди-келдимизга, режаларимизга таъсир қилмаслиги керак. Вазмин, сабр-тоқатли, меҳр-окибатли бўлишимиз зарур. Қўшничилик — минг йилчилик. Халқларимиз елкадош бўлиб, бир-бирини хурмат қилиб яшаши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бош вазир раҳбарлигида Ҳукумат комиссияси томонидан муаммолар ўрганилиб, кенг қамровли таклифлар тайёрланган. 2020 — 2022 йилларда Сўх туманини ком-

плекс ривожлантиришга 500 миллиард сўм маблағ йўналтириш белгиланган. 11 минг янги иш жойи ташкил этиш режалаштирилган.

98 лойиҳа амалга оширилиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожлантирилади. Жисмоний шахслар ер ва мол-мулк солиғидан озод этилиб, якка тартибдаги тадбиркорлар учун даромад солиғи ставкаси 2 баробар камайтирилади. 1 минг гектар экин ерларида сув таъминоти яхшиланади.

Туман тиббиёт бирлашмаси бўлимлари, юқумли касалликлар шифохонаси, марказий шифохона тиббий асбоб-ускуналар ва махсус реанимобиль билан таъминланади. Мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, йўллар ва ижтимоий объектлар таъмирланади.

Сўхлик ёшлар учун водий вилоятларидаги олий таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йилида давлат гранти асосида мақсадли равишда қўшимча 500 та ўрин ажратилади.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, одамларни иш билан таъминлаш, даромадини ошириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Йиғилишда бу борада Фарғонада ҳам кенг қўламли саъй-ҳаракатлар бошлангани, вилоятдаги 43 мингдан зиёд оилаларни йил якунига қадар камбағалликдан чиқариш мақсад қилингани қайд этилди.

Хусусан, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш орқали қарийб 14 минг оиланинг оёққа туришига кўмаклашилади. Бундай лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит ресурслари ҳажмини 25 фоизга ошириш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 400 миллиард сўм кредит ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва эркин иқтисодий зоналар орқали 6 мингдан, қишлоқ хўжалиги соҳасида 17 мингдан ортик оилаларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади.

Масалан, ғалладан қисқарган 4 минг гектар, фойдаланишдан чиққан 3,5 минг гектар ерда бог ва тоқзорлар ташкил этилади. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузурида Доривор ўсимликлар илмий маркази ташкил этилиб, 10 минг гектарда доривор ўсимликлар етиштириш йўлга қўйилади.

Ирригация тизимидаги йўқотишларни камайтириш ва замонавий технологияларни жорий этиш, бунинг учун Тикланиш ва тарққийёт жамғармасидан 50 миллион доллар ажратиш тўғрисидаги қарор ҳам Фарғона вилояти учун катта аҳамиятга эга.

Йиғилишда Президентимиз Фарғона вилоятида “Тадбиркор — ислохотчи” ташаббусини амалга ошириш кераклигини таъкидлади.

Бугунги таҳлиллар, глобал иқтисодий инқироз бутун дунёга хавф солиб турган айни пайтда, мамлакатимизда бундан уч йил аввал тадбиркорликка кенг эркинлик бериш бўйича қўйилган қадамлар тўғри бўлганини кўрсатди. Юртимизда тадбиркорлик ривожланмаганда, фақат давлат ташкилотлари ишлаб турганда ҳозир аҳвол нима кечарди?

“Тадбиркор — ислохотчи” ташаббуси асосида соҳа вакилларига имкониятлар берилиб, масъулияти оширилади. Бош вазир ўринбосари, Савдо-саноат палатаси раиси, Бизнес-омбудсман, Фарғона вилояти ҳокими бир ойда икки марта онлайн тизим орқали тадбиркорлар билан яккама-якка мулоқот ўтказиб, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилади. Чунки қанча имтиёз берилмасин, шароит яратилмасин, пул айланмаси, кредит олиш, экспорт қилиш, муҳандислик тармоқларига улашиш каби йўналишларда барибир муаммолар учраяпти.

— Бунга ким айбдор? Маҳаллий ҳокимиятми, солиқچими, прокурорми? Ёки қонуналаримиз ишламайдими? Мана шу масалаларни ўрганиб, йил якуни бўйича “Фарғона тадбиркорла-

ри — ислохотчи” тажрибаси давомида эришилган натижаларни бошқа вилоятларга ҳам татбиқ этамиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Бизнес-омбудсман уч ой Фарғона вилоятида юриб, ҳар бир корхона, ҳар бир тадбиркор билан диллашиб, тиллашиб, соҳа вакилларига қонуний кафолатларни кучайтириш бўйича тавсиялар бериши лозимлигини таъкидлади. Уй-жойлар қуриш, ичимлик суви таъминоти ва оқова тармоқларини яхшилаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Фарғона тажрибаси асосида “лойиҳалар фабрикаси”ни кенг ривожлантириш, IT марказларда ўқув курслари ташкил этиб, йилига 262 мингдан зиёд ёшларни ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, иқтисодиёт тармоқлари мутасаддилари, ҳокимларнинг ҳисоботи эшитилди. Фаолиятида сусткашликка йўл қўйган Тошлоқ тумани ҳокими ва солиқ инспекцияси бошлигини вазифасидан озод этиш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон — Корея халқаро университетида бўлди.

Мазкур таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Бу ерда таълим тўлов-контракт асосида, илгор ўқув режалари ва дастурлари бўйича ўзбек, корей, инглиз тилларида олиб борилади.

Университет 4000 талабани қабул қилиш имкониятига эга. Тугаётган ўқув йилида биринчи курсда 720 йигит-қиз таълим олди. Жанубий Корея Республикасидан 11 тажрибали педагог жалб қилинган бўлиб, келгусида 43 нафарга етади.

Жорий йилда мазкур халқаро таълим даргоҳи учун янги бино қурилди.

Шавкат Мирзиёев университет ректори Пак Жун Ху ва корейлик ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Ўқув дастури ва мазмуни, ёшларнинг фанларни ўзлаштириши билан қизиқди.

Муассасада гуманитар ҳамда техник-муҳандислик йўналишларида таълим берилади. Хусусан, туризм менежменти, мактабча таълим, менежмент ва компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисоби, корей тили ва адабиёти фанлари ўқитилади. Шунингдек, машинасозлик муҳандислиги, келажак автомобилсозлиги инжиниринги, электротехника ва электроника муҳандислиги, архитектура муҳандислиги, компьютер муҳандислиги, энергетика ва кимё муҳандислиги бўйича малакали мутахассислар тайёрланади.

— Бизда биринчи курсда умумий фанлар ўқитилиб, мактаб дастури қайтарилди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ёшлар бир йил умрини йўқотиб, қизиқиши сўниб ҳам қолади. Ривожланган давлатларда бундай эмас, биринчи йилдан мутахассислик фанларига ўтиб, амалиётга муҳим ўрин берилади. Натижадаги фарқни ҳаёт кўрсатиб турибди.

Мутасаддиларга Жанубий Корея университетларидаги ўқув дастурлари ва соатлари ўрганиб, мамлакатимиз олий таълим тизимини қайта қўриб чиқиш, талабаларни амалиётга максимал йўналтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.

Матназар ЭЛМУРОВО,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Масъуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Рақобат бўлмаса, сифат бўлмайди, нарх тушмайди. Замон ўзгаряпти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмаяпти. Қатъий чоралар кўриш вақти-соати келди. Иқтисодиётда бу ҳаёт-мамотимиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Нуктаи назар

КАДРЛАР МАЛАКАСИ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

Ўзбекистон олий таълим соҳасида
Марказий Осиёда
илм-фан платформасига айланади.

Соғлом рақобат ҳар соҳада керак. Бусиз ривожланишга эришиш имконсиз. Натижа эса аён: соғлом рақобат сифатга, сифат — самарадорликка, самарадорлик — фаровонликка йўл очади.

Ўзбекистон раҳбари тарққийётнинг янги босқичида бозор қонуниятларига мос келадиган механизмларни жорий этиш орқали юқоридаги мақсадларни муваффақиятли рўёбга чиқармоқчи. Чунки бозор механизмларининг унсурларидан бири рақобатдир. Рақобат бўлса, корхоналар янги технологияларни қўллаш, янги маҳсулотларни яратиш, товар ва хизматлар сифатини ошириш ҳамда уларнинг таннархини пасайтириш тўғрисида мунтазам иш олиб борадилар. Иқтисодиётимизда фаолият олиб бораётган монопол корхо-

налар эркин рақобат бўлишига тўсқинлик қилади. Бу барча соҳа ва тармоқларга тегишли. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 майда иқтисодиётдаги рақобат муҳитини таъминлаш ва истёъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари муҳокамасига бағишланган селектор йиғилиши ўтказди. Унда давлат раҳбари ушбу масаланинг муҳимлигини таъкидлаб, олий таълим тизимида рақобат шароитида ишлайдиган, замонавий фикрлайдиган, инновацияларни узлуксиз жорий қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш, олий ўқув юртларида алоҳида факультет, кундузги ва сиртки ўқиш шаклини очиб, янги фанларни жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берди.



Долзарб мавзу



ЎЗБЕКИСТОНДА УШБУ Йўналишдаги ишлар
РИВОЖИГА НИМА Тўсқинлик қилмоқда?

Қайта тикланувчи энергетика соҳаси ривожини мамлакатнинг географик жойлашуви, табиий ресурслар мавжудлиги ва молиявий имкониятларига боғлиқ. Яъни мазкур йўналишда ҳамма бир хил имкониятга эга эмас. Масалан, Исландия геотермик — ер бағридаги иссиқликдан фойдаланиш борасида кенг салоҳиятга эга бўлса, Италия ва Испанияда қуёш энергияси бўйича устуллик мавжуд. Дания, Нидерландия ва Германия шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича Европа Иттифоқида етакчилик қилади. АҚШ, Хитой, Япония каби давлатлар эса қуёш, шамол ва сув энергетикасини стратегик йўналиш деб белгиланган.



КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ
БОСКИЧМА-БОСКИЧ ЮМШАТИЛАДИ

Жорий йилнинг 8 июнидан «сарик» ва «яшил» ҳудудларда жамоат транспортида шаҳар (туман) ва шаҳар атрофи йўналишлари бўйича автобус ҳаракатларига рухсат берилди.

«Дамас», микроавтобус ва метрополитен фаолияти бундан мустасно.

Жамоат транспорти фаолиятини қайта тиклашда қуйидаги талабларга қатъий риоя қилиш талаб этилади:

автокорхона томонидан транспорт воситасини ҳар бир қатнов олдида ва охири бекатда, шунингдек, автошоҳбекатларда тўлиқ дезинфекция қилиш;

хайдовчиларни тиббий никоб ва кўлқоплар билан таъминлаш ҳамда уларни мунтазам равишда ўз вақтида алмаштириб бориш чораларини кўриш;

автобус салонига фақатгина тиббий никобдаги йўловчиларни киритиш.

Йўловчилардан карантин талабларига қатъий амал қилиш ва ижтимоий масофани сақлаш талаб этилади. Жамоат транспортида карантин талабларини бузиш тегишли маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Республика махсус комиссияси ахбороти асосида тайёрланди.

КОРОНАВИРУС
бўйича маълумот:

Ўзбекистонда

2020 йил 6 июнь
соат 23.00 ҳолатига кўра,
касалланганлар сони — 4094 нафар,
тузалганлар
3268 нафар,
вафот этганлар 17 нафар.

Дунёда

2020 йил 6 июнь ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони —
6 777 896 нафар,
тузалганлар
2 773 039 нафар,
вафот этганлар
395 812 нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

КАРАНТИН ШАРОИТИДА МАСЪУЛИЯТ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва ҳудуддаги секторлар ҳамда давлат идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Маҳаллий Кенгашларда

Сессияда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури ижроси, дори воситалари, тиббий буюмлар, озиқ-овқат махсулотлари

нархлари, жамоат тартибини сақлаш ҳамда ҳудудда карантин тадбирларига тўлиқ рияз этилишини таъминлаш, пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларини

қўллаб-қувватлаш каби масалалар муҳокама қилинди. Ушбу масалалар юзасидан секторлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Жумладан, Тошкент шаҳар прокурорининг дори воситалари, тиббий буюмлар, озиқ-овқат махсулотлари нархлари қатъий назоратга олиниши ҳолати бўйича берган ҳисоботида қайд этилганидек, ана шу мақсадда шаҳар прокуратурасида махсус штаб ташкил қилинган, туманлар прокуратурасида ишчи гуруҳлар тузилган.

Олиб борилган изчил сайёҳаракатлар натижасида савдо ва карантин қондалари бузилишига йўл қўймаслик, нархлар асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш, сунъий танқислик вужудга келишига йўл қўймаслик мақсадида 3 минг 304 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган қонуний чора тўғрисида расман огоҳлантирилган. Айни чоғда дорихона ва озиқ-овқат дўконлари раҳбарлари устидан назорат, уларнинг

молия-ҳўжалик фаолиятига ара-лашмаган ҳолда, кучайтирилди. Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда қатор назорат тадбирлари ҳам ўтказиляпти.

Тадбирда деҳқон бозорларидаги нарх-навони барқарорлаштириш учун “Даладан — дастурхонгача” та-моилии асосида 27 турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат махсулотлари арзонлаштирилган нархлар-да сотилаётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, ҳозирги шароитда дори воситалари ва тиббий буюмларга талаб юқорилигидан келиб чиқиб, бу борада ҳам муайян ишлар бажарилгани қайд этилди. Хусусан, карантин бошлангандан то ҳозирги кунгача бўлган даврда 111 ҳолатда 836,1 миллион сўмлик тиббий ниқоблар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат махсулотларининг ноқону-ний савдоси аниқланиб, тегишли чоралар қўрилган.

Тадбирда прокуратура, ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ва бошқа мутасадди идоралар вакилларидан ташкил топган ишчи гуруҳ томонидан карантин вақтида уйдан чиқмаслик, бозорларда нархларни сунъий оширмаслик ҳамда бошқа ҳолатлар юзасидан ҳудудларда тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Яқунда қўрилган масалалар юза-сидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

Депутат фикри

Ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши қонун ижодкорлиги жараёни билан бевосита боғлиқдир. Шу боис қонун устуворлигини таъминлашга интилаётган ҳар қандай мамлакат ўзининг ҳуқуқий тизимини ва қонунчилигини мунтазам такомиллаштириб боради.

Утган давр мобайнида юртимизда қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнлари сифатини яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашда «пакет» принципи жорий қилинади

Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификациялаш соҳасида ижобий натижаларга эришилди.

Лекин тан олиш керак, ушбу йўналишда қўзланган мақсадларга тўлиқ эришганимиз йўқ. Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 19 май кuni имзоланган “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон бу йўналишдаги мавжуд қамчиликларни бартараф этишда дастуриламал бўляпти.

Маъзкур ҳужжат билан 2020 йил 1 июлдан бошлаб ҳўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солиниши таққиланиб, жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгилловчи ҳуқуқий нормаларнинг факатгина қонунлар билан ўрнатилиши белгиланяпти.

Шу билан бирга, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йғимларни белгилловчи, ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чеклашларни назарда тутувчи, асосланмаган харажатлар келтириб чиқарувчи ҳуқуқий нормаларни киритишга йўл қўйилмаслиги мустахкамланди.

Хар қандай жамиятда қонун устувор бўлиши керак ва барча қабул қилинадиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун талабларига зид бўлмаслиги ҳамда қонунда белгиланганидан бошқача талқин этилмаслиги керак.

Маъмурий усулда тартибга солиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгилловчи ҳуқуқий нормаларнинг қонуности ҳужжатларида акс этиши амалга оширилаётган ислотларга салбий таъсир

қўрсатиш билан биргаликда, қонунчиликка ишонсизлик келтириб чиқаради.

Масалан, қонуности ҳуж-хатида чет эл инвесторига нисбатан қонунда назарда тутилмаган жавобгарлиқнинг белгиланиши ёки бўлмаса унга қўшимча мажбурият юк-лангани унинг мамлакатимиз қонунчилигига нисбатан ишонсизлигига сабаб бўла-ди. У қонун билан ўзининг ҳуқуқлари ҳамда мажбурият-лари аниқ белгилаб қўйил-ган ҳолда, эртага қонуности ҳужжати билан муайян ҳолатда жавобгар бўлиб қолишдан ҳадиксирайди.

Айрим ҳолатларда турли соҳалардаги ижтимоий му-носабатларнинг тарқоқ ҳолда тартибга солиниши ҳуқуқий қоллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш каби мураккабликлар-ни юзага келтириб чиқа-раётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Фармон билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа-ларини тайёрлашда “пакет” принципи жорий этилмоқда. Ёъни янги қонун лойиҳаси билан белгиланаётган қондалар илгари қабул қилинган қонунларга тегиш-ли ўзгаришлар киритишни тақозо этганда, аввалги қонунларга ўзгариш ки-ритиш уни қабул қилиш би-лан бир вақтнинг ўзида амал-га оширилиши белгиланяпти.

Бу билан бир ижтимоий муносабатнинг тартибга со-лишга қаратилган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат-нинг бир вақтда қабул қили-нишига эришилади. Ама-лиётда қонун нормаларини ишлатиш механизмлари бўйича муаммолар келиб чиқишининг олдини олади.

Албатта, ушбу талаблар-дан келиб чиқиб, парламент томонидан қонунларни қабул қилишда қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳуқуқий тартиб-га солишининг ортиқча юки-ни истисно этишга қаратил-ган замонавий услубларни жорий этиш, ислотлар жар-раёнида самарали, ижти-моий муносабатларда тўғри-дан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш ус-тувор вазибалардан бири бўлиб қолади.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Халқаро алоқа ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ГУРУҲЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Миллий парламентимиз ўтган қисқа давр мобайнида қўллаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг фаол иштирокчисига айланди. Сўнгги уч йил давомида мамлакатимиз Парламентлараро Иттифок, ЕХҲТнинг Парламентлараро Ассамблеяси, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси каби нуфузли уюшмаларга аъзо бўлди.

Шу билан бирга, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ilk ййғилишидаги маърузасида (2020 йил 21 январь) таъкид-лаганидек, халқаро пар-ламентлараро алоқаларни ти-зимли равишда ривожланти-риб бориш бундан кейин ҳам депутатлар ва сенаторларнинг доимий эътибор марказида бўлиши лозим.

Давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори-ни кўтариш, фаол ташки сиёсат олиб бориш Олий Мажлис олдидаги муҳим ва-зифалардан биридир. Хори-жий инвестициялар ва ташқи савдо масалаларига оид тасдиқланган қўллаб “йўл хариталари” устидан пар-ламент назоратини амалга ошириш бўйича ҳам Олий Мажлиснинг фаолиятини янада жонлантириш мақсад-га мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлисда хорижий мамлакатларнинг пар-ламентлари билан ҳамкор-лик гуруҳларини ташкил қилиш ва уларнинг фаоли-ятини изчил йўлга қўйиш му-ҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда хорижий давлатлар парламентлари билан ҳам-корлик гуруҳларини янгидан шакллантириш ишлари олиб бориляпти.

Ҳозирги кунда Олий Мак-лис палаталарида хорижий парламентлар билан ҳамкор-лик гуруҳларини шаклланти-риш ишлари няхосига ет-казилмоқда. Жами 42 та давлат парламенти билан шундай гуруҳлар ташкил этилади. Бундай парламен-тараро ҳамкорлик доимий тарзда изчил олиб борилиб, ижтимоий-сиёсий, иқтисо-дий, маданий соҳаларда, шунингдек, юртимизга хори-жий инвестициялар жалб қилиш масалаларида амалий ишларни бажариш режа-лаштириляпти. Хорижий пар-ламентлар билан ўзаро таж-риба ва теъзор маълумотлар алмашинуви ҳам йўлга қўйи-либ, давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни яна-да мустахкамлаш мақсадида ҳамкорликда турли тадбирлар ва ўзаро ташрифлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Қозғистон дав-латларида икки палатали

парламент тизими мавжуд бўлишига қарамай, Олий Мажлис палаталари томони-дан қўшма ҳамкорлик гуруҳ-лари тузилади. Шундай қилиб, 2015 — 2019 йиллар давомида жами 27 давлат-нинг қонунчилик органлари билан ҳамкорлик гуруҳлари фаолият олиб борган бўлса, 2020 йилда уларнинг сони-ни 42 тага етказиш, жумла-дан, 41 давлат ва битта Ев-ропа Иттифқи парламенти билан гуруҳлар ташкил қилиш режалаштирилган.

Дунёнинг асқарият мам-лакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, парламентдаги ҳамкорлик гуруҳлари сало-ҳиятидан нафақат муайян хорижий мамлакатнинг қонунчилик органи, балки давлатнинг бошқа идорала-ри билан ҳам ҳамкорлиқни йўлга қўйишда самарали фойдаланиш мумкин.

Ҳамкорлик гуруҳлари одатда ўзаро алоқалар юқори даражада бўлган ёки ушбу алоқаларни янада жон-лантириш зарур бўлган дав-латлар билан тузилади. Бу-гунги кунда айрим ривож-ланган мамлакатлар қонун чиқарувчи органларидан 100 га яқин парламентлара-ро ҳамкорлик гуруҳлари ту-зилганлигини кўришимиз мумкин.

Қисқаси, жорий йилда янги таркибда шаклланган Олий Мажлисда парламент-лараро ҳамкорлик гуруҳла-рининг тузилиши ва фаоли-ят олиб бориши хорижий давлатларнинг парламент-лари билан доимий тарздаги ҳамкорлиқни янада кучайти-риш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳа-ларда, шунингдек, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш учун узвий алоқалар-ни ўрнатиш имконини бера-ди. Бундан ташқари, ҳамкор-лик гуруҳлари мамлақати-мизда амалга оширилаётган ислотларнинг мазмун-мо-ҳиятини халқаро ҳамжамият-га етказишда ҳам самарали механизм сифатида хизмат қилади.

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Халқаро ишлар
ва парламентлараро
алоқалар қўмитаси
раисининг ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁВИЙ РЕЙТИНГЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланishi мамлакатимизга нисбатан халқаро ҳамкорлар, шу жумладан, инвесторлар ишончи ортиши, демакки, юртимизга хорижий инвестициялар оқими кучайиши ва дунё бозоридан ҳам муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Сенатор мушоҳадаси

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси-нинг халқаро рейтинг ва ин-декслардаги ўрнини яхши-лаш ҳамда давлат органла-ри ва ташкилотларида улар билан тизимли ишланишнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Фармо-ни шу мақсадларга қаратил-гани билан аҳамиятлидир. Унда қайд этилганидек, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз “Мерос” жам-фармаси “Иқтисодий эркин-лик” индексида 52 поғонага, Жаҳон банки “Логистика самарадорлиги” индексида 19 поғонага, “Бизнес юрпчи” индексида 18 поғонага кўта-рилди.

Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт таш-килотининг “Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш” тизимидаги 6-гуруҳ мамла-катлари қаторидан 5-гуруҳ мамлакатлари қаторига кўта-рилгани ҳам муҳим. Бу йўна-лишдаги ишларни сифат жи-ҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизим-ли таҳлил қилиш, турли соҳа-ларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг Ўзбекис-тон Республикаси учун усту-вор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадлари-га хизмат қилишини таъмин-лаш, шу йўналишдаги ишлар-нинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бар-тарф этиш бу тузилманинг асосий вазибалари қаторида белгиланиди.

Шу вазибалар ижроси юр-тимизда институционал ва ишбилармонлик муҳитини ях-шилаш орқали инвестиция

оқимларини кўпайтиришга хизмат қилади. Бу эса нафа-қат Ўзбекистонга нисбатан ишонч даражасини ошириш, балки бизнеснинг барча ша-клини жадал ривожлантириш ва энг илгор халқаро ама-лиётлар асосида бу йўна-лишда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш-га олиб келади.

Кенгаш зиммасига давлат ва жамият ҳаётининг турли жаҳбаларини тартибга солиш-га қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Рес-публикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ҳамда индек-слардаги мамлакатнинг ўрнига таъсири нуқтаи назаридан ком-плекс баҳолаб бориш вазифа-си ҳам юклатилди. Маълумки, ҳар бир халқаро рейтинг қатор таркибий қисмлардан иборат бўлади.

Мисол учун, жаҳон микё-сида энг нуфузли ҳисоблан-ган “Бизнес юритиш” (Doing Business) рейтингни қорхона-ларни рўйхатдан ўтказиш, қурилишга рухсатнома олиш, электр таъминоти тизимига улаиши, мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредитлар олиш каби кўрсаткич ва мезонлар бўйича аниқланади. Улардан ҳар бири муайян соҳани кам-раб оладикки, манашу йўна-

лишларни ривожлантириш, аввало, уларнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомил-лаштиришни талаб қилади.

Шу жиҳатдан кенгаш экс-пертлари қабул қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳасини юртимизнинг халқаро рей-тинг ва индекслардаги ўрни нуқтаи назаридан сиичликл-га баҳолаб ўрганса, уларнинг тегишли индикаторларини яхшилашга таъсири бўйича аниқ тақлиф-лар берса, тегишли соҳалар ривожига салмоқли ҳисса қўшган бўлади.

Фармонда масъул давлат органлари биринчи раҳбарла-рининг фаолияти самарадор-лигини баҳолашнинг бош ме-зонларидан бири этиб Ўзбе-кистон Республикаси учун ус-тувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакат ўрнини яхшилаш белгиланиди.

Бу Ўзбекистоннинг халқа-ро майдондаги имижини ях-шилаш, пировардида Вата-нимизнинг ривожланган мам-лакатлар қаторига қўшилиши тезлаштириш давлат бошқарувининг барча бўғи-ни учун муҳим вазифа сифа-тида белгиланганидан дало-латдир.

Иброҳим СУЛТОНОВ,
Олий Мажлис Сена-ти
аъзоси.

ЁШЛАРИНИНГ КИТОБХОНЛИК ВА ҲУНАР ЎРГАНИШГА ИШТИЁҚИ ЯНАДА ОШАДИ

Ёшлар маънавий оламнинг дахлсизлигини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, болаларимизни маънавий тажовуздан ҳимоя қилиш нафақат ота-она ёки таълим-тарбия мураббийларининг, балки кенг жамоатчилиқнинг ҳам долзарб вазибаларидан саналади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовлардан ўтган, юксак маънавият ҳазинаси бўлган жаҳон ҳамда миллий адабиётимизнинг асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз.

Беш ташаббус ижроси

Таъкидлаш жоизки, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш, буш вақтлари-ни мазмунли ўтказишда фуқаро-лик жамияти институтлари, жа-моат ташкилотларининг ўрни кат-та. Бу борада йўлга қўйилган иж-тимоий лойиҳалар ўз самараси-ни беряпти, десак, адашмаймиз.

Наманган вилоятининг Норин туманидаги “Сой бўйи” маҳалла фуқаролар ййғини ҳудудида фаолият юритаётган “Бахтли бо-лалик” жамоат бирлашмаси Олий Мажлис ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтган йили эълон қилинган “Аҳолини,

айниқса, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсир-дан ҳимоя қилишда таълим му-ассасаси, оила ва маҳалла ин-ститутлари билан ижтимоий ҳам-корлиқни кучайтириш” йўналиши-даги биринчи танловда “Қўздаги қувонч — дилдаги шукроналик ифодаси” лойиҳаси билан ишти-роққ этиб, қолиб бўлди ҳамда лойиҳа жорий йилнинг март ойи-да яқунланди.

“Бахтли болалик” жамоат бир-лашмаси нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббускорлари эзгу мақсадларини “Ватан — остона-дан бошланади”, деган нақлга амал қилган ҳолда, ўз ҳудудидан, яъни Сой бўйи ҳамда унга қўшни

Норинкапа маҳалласидан бош-лашни лозим топганди. Боиси ушбу маҳаллалар тумандаги аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудлардан бўлиб, ақсарият оила бошлиқлари чет давлатлар-га ишлаш учун чиқиб кетган, бо-лаларини таълим олишга қизиқи-ши сусайган, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги-да бўшлиқлар қузатилаётган эди.

Лойиҳа ҳамкорларидан бири ушбу тумандаги 40-умумтаълим мактаби бўлди. Муассаса маъму-рияти бундай ижтимоий шерик-лик ва истикболли лойиҳани бир овоздан қўллаб-қувватлади. Энг муҳими, ҳамкорликда иш маҳал-лалар ахлини, шунингдек, бола-ларни руҳлантириш, уларнинг би-лим олишга, китобхонликка ва ҳунар ўрганишга иштиёқини яна-да оширди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жа-моат фонди томонидан 30 мил-лион сўм миқдорида молия-лаштирилган ушбу лойиҳа дои-расида “Бахтли болалик” жамоат бирлашмасининг моддий-техника базаси мустахкамланди, жумла-дан, ноутбук, принтер, тикув ма-шиналари, дазмол, ўкув партала-ри, доска, китоблар харид қилин-гани келгусида ҳам иш унумдор-лигини ошириши табиий.

Лойиҳада кўзда тутилган “Жа-ҳолатга қарши маърифат билан!” ҳояси доирасида ёшларни ва уларнинг ота-оналарини китоб-хонликка йўналтириш мақсадида “Жавондаги жавоҳир билан че-к-сиз тафаккур сари” шиори ости-да кутубхона ташкил этилгани ҳам диққатга сазовор. Бу ерга жамо-ат фондининг 7 миллион 330 минг сўм маблағи эвзасига ва ҳамкор-ларнинг ҳомийлиги асосида 2 миллион сўмлик жаҳон ҳамда ўзбек адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек, болалар адабиёти намуналари келтирилди. Ҳозирги кунда ушбу кутубхонага ҳудуддаги Сой бўйи, Норинкапа, Чангитма, Тўда каби маҳалларда эди истикомат қилувчи 200 дан ортқ хонадонлар фарзандлари, ота-оналар аъзо. Улар зёп мас-кани хизматидан бепул фойда-лланяпти.

Шу билан бирга, “Бахтли бола-лик” жамоат бирлашмаси томони-дан лойиҳа доирасида ўтган йили “Ўз болангни ўзинг асра” шиори остида “Фарзандингга китоб сов-га қил!” акцияси ўтказилган. Унда ёшларга 2 миллион сўмлик китоб-лар тўхфа этилди. Буларнинг бар-часи нақвирон авлодни китобхон-ликка ўргатишда қўл келмоқда. 40-умумтаълим мактабининг

8 — 11-синф ўқувчилари ўртасида Ўтқир Хошимовнинг “Дунёнинг иш-лари” асари мутлааси бўйича ки-тобхонлар ўртасида беллашув ўтказилгани, қолиблар муносиб тақдирлангани ҳам эътиборга лойиқ, албатта.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. “Бахтли болалик” ҳавосидан тўйиб нафас ол!” шиори остида бепул тикувчи-лик курси, “Аждодларимизга му-носиб авлод бўламиз” шиори ос-тида бепул инглиз тили курси та-шкил этилиб, уларда 40 нафарга яқин ўқувчи-ёшлар хорижий тил ҳамда касб-ҳунар сирларини ма-лакали тренерлардан ўрганишди. Муҳими, лойиҳа аяқунланган бўлса-да, яратилган имкониятлар тўфай-ли ҳозирги пандемия шароитида ҳам кутубхона, тикувчилик ва инг-лиз тили курслари онлайн тарзда ўз фаолиятини давом эттиряётир.

Қисқаси, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ижти-моий, маънавий-маърифий соҳа-лардаги ишларни янги тизим асо-сида йўлга қўйиш бўйича беш та-шаббус ижроси нафақат шаҳар-ларда, балки чекка-чекка қишлоқ-ларда ҳам таъминланяпти.

Зафар ХУДОЙБОДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Парламент комиссияси аъзоси.

Сайёр қабул

Карантин кунларида ҳам аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, энг кичик масаладан тортиб, ҳудудлар ободлиги, одамларнинг фаровон ҳаёти учун хизмат қиладиган катта муаммоларгача ҳал этиш чоралари кўрилмақда.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, республика марказий идора ва муассасалари масъуллари томонидан Жиззах вилоятда оммавий сайёр қабуллар ўтказилаётир.



МУРОЖААТЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Вилоятда минтакавий шаклда уч кун давом этган сайёр қабулнинг дастлабкиси Дўстлик туманидаги Наврўз қишлоғидан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходимлари, Республика Олий суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари ҳамда бир қатор марказий муассасалар, вилоят ҳокимлиги ва секторлар раҳбарлари иштирокидаги оммавий қабулда Дўстлик, Арнаоси ҳамда Мирзачўл туманлари қамраб олинди.

Карантин талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилган оммавий сайёр қабулларда соҳа ва йўналишлар бўйича ҳар бир муурожаатчининг арзи, фикри тингланди.

Дўстлик туманида яшовчи Шохсанам Сувонкулова ўз уйи йўқлиги туфайли икки нафар фарзанди билан ижарада яшаб келаётир. Ўзи ишсиз, турмуш ўртоғи иккинчи гуруҳ ногирони. Уни маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг бешинчи ўринбосари Элмира Боситхонова қабул қилиб, вазирлиқнинг туман бошқармаси, туманнинг те-



гишли раҳбарлари билан муурожаатни ўрганиб чиқди.

Ҳозир туманда уй қурилмаётгани боис Ш. Сувонкулова уй олишга "Ипотека-банк" АТИБ субсидиясини олувчилар рўйхатига биринчи навбатда киритилди. Унинг ўзи маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси қосида ташкил этилган касбга ўргатиш курсида ўқитиладиган бўлди. Ўқиб даврида унга тўланадиган стипендия ҳозирча оиласини боқишда ёрдам бўлади.

Муурожаат қилувчилар орасида нафақат ўз муаммоси, балки одамларнинг, қишлоқ аҳолисининг яхши шароитда яшашини таъминлашга ҳаракат қилиб, хайрли ишларга бел боғлаган-

лар ҳам анчагина. Шундай инсонлардан мирзачўллик Б. Шафоевнинг Жийдазор кўчасини Кўрган кўчаси билан боғлаш ва таъмирлаш тўғрисидаги ҳамда Н. Ўринбоевнинг кредит олиш бўйича муурожаати ҳам назоратга олиниб, ҳал этиладиган бўлди.

— Тadbirkorlik faoliyatini бошлашимиз учун тижорат банки филиалига 30 миллион сўм маблағ сўраб муурожаат қилган эдим, — дейди Нодира Ўринбоева. — Банкда маблағ йўқлиги, ресурс ажратилмагани сабабли кредит ололмай юрган эдим. Муурожаатим иккунчи ҳал этилди. Кредит ажратиш бўйича

топириқ берилди. Бунинг учун мутасаддилардан миннатдорман.

Коронавирус пандемияси сабаб карантин билан боғлиқ ўрнатилган айрим чеклов ва тартиблар аҳолининг одатий турмуш тарзига қайсидир жиҳатдан таъсир ўтказиши табиий, албатта. Дўстлик туманидаги Олтин водий қишлоғида яшовчи Марғуба Анорова ҳам шу қийинчилик туфайли сайёр қабулга келганлардан бири.

— Турмуш ўртоғим ногорон, бир ўғлимни Тошкентда даволатишга мажбур бўлиб, оилामизда моддий қийинчилик юзага келди, — дейди Марғуба Анорова. — Яшаётган уйимизни таъмирлашда ёрдам сўраб Президент маслаҳатчиси қабулида бўлдим. Муурожаатимни тумандаги тегишли раҳбарлар билан муҳокама қилиб, бир ой ичида уйимиз таъмирландиқан бўлди. Давлатимизнинг бу яхшилигини умрбод ёддан чиқармайман.

Оммавий сайёр қабулда юзлаб фуқаролар турли масалалар бўйича муурожаат этди. Уларнинг асосий қисми шу ернинг ўзида ҳал қилинди. Вақт,

маблағ талаб этадиган муурожаатлар тегишли идораларга топширилиб, ижроси назоратга олинди.

Моддий ёрдам, ишга жойлаштириш ва йўлларни таъмирлаш, газ, электр таъминоти бўйича одамларни қийнаётган муаммолар жойида кўриб чиқиб, ҳал этилгани одамларнинг давлатимиз сиёсатига, ислохотларнинг истиқболига ишончини янада оширди.

Муаммосига ечим излаб келган фуқаро давлат ва жамиятга бўлган ишончини ўз муурожаати- га бўлган муносабатида кўради. Оммавий сайёр қабул давомида Президентимиз Фармони билан фуқаролиги бўлмаган икки нафар киши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган муносабати билан уларга фуқаролик паспортлари тантанали топирилди. Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинган Шукур Жунусов ва Шохиджа Ермонова давлатимиз раҳбарига ўзларининг самимий миннатдорлигини билдирди.

Шу таркибдаги вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Жиззах шаҳри, Зомин, Пахтакор, Ғаллаорол туманларида ҳам оммавий қабуллар ташкил этилиб, уларда ушбу ҳудуд аҳолиси билан бирга, Зафаробод, Шароф Рашидов, Фориш, Янгиобод, Зарбдор, Бахмал туманлари аҳолисининг муаммолари ўрганилди.

Умуман, эътибор ва ғамхўрлик, қўллаб-қувватлаш, ҳар қандай далда эртанги кунга бўлган ишончи, инсон иродасини мустаҳкамлайди. Президентимиз томонидан одамларнинг муурожаатларига қулоқ тутиш ҳар бир мутасадди раҳбарнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйилаётганида чўқур маъно ва халқнинг турмушини яхшилашга қаратилган энг муқаддас муассаса эканлиги оммавий сайёр қабуллар давомида ўз ифодасини топди, десак, муволафа бўлмайди.

Толибжон ЭРҲАШЕВ («Халқ сўзи»).

материаллари, машина ва механизмлари боххона тўловларидан озод этилди.

Самарқанд вилоятинида қурилиш ҳамда бунёдкорлик материаллари ишлаб чиқариш изчил давом этаётир. Хусусан, вилоятда фаолият олиб борувчи бир қатор корхоналар томонидан жорий йилнинг 5 ойи давомида вазни 33 тоннага яқин, қиймати 14 миллион 393 минг АҚШ доллари бўлган қурилиш материаллари, яъни гипс, оҳак, шпатлёвка маҳсулотлари экспорт қилинди.

Экспорт операцияларининг асосий улуши темир йўл орқали амалга ошириляпти. Маҳсулотларнинг аксарият қисми МДХ мамлакатларига ҳамда қўшни Қозғоғистон, Тожикистон ва Афғонистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Абдулғазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

33 ТОННА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ

Мамлакатимизда маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда рақобатбардор, экспортга йўналтирилган янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва ушбу маҳсулотларга бундан иккунчи эътиёжни қондиришга алоҳида эътибор қаратиляётир.

Бу эса маҳаллий ҳамда хорижий тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 20 апрель куни санаот, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъ-

минлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор мажлисида таъкидланганидек, қурилиш санаоти коронавирис пандемияси таъсирини юмшатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий барқарорлиқни сақлаб қолиш борасида катта имкониятларга эга бўлган

“драйвер” соҳалардан бири ҳисобланади.

Унинг бугунги кундаги тенденциялари, Ўзбекистон иқтисодиётида тугган ўрни, пандемия шароитида соҳани қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг ўрни катта аҳамиятга эга.

Хусусан, 2020 йил 19 май куни қабул қилинган “Худудларда кўп қаватли бинолар қуриш ишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, бир қатор қурилиш



«ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА»

ЎЗБЕКИСТОНДА УШБУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАР РИВОЖИГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?

Маълумотларга кўра, 2018 йилга келиб дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларининг ўрнатилган умумий қуввати 2006 ГВт.ни ташкил этди. Ҳозирги кунда дунёнинг 160 дан ортиқ давлатлари қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга йўналтирилган махсус қонунлар ёки соҳани ривожлантиришнинг миллий стратегияларини қабул қилган. Улар стратегияларида 2030 йилга қадар умумий энергетика тизимида қайта тикланувчи энергетика салмоғини 50 фоизга етказиш режалаштирилган. Қайта тикланувчи энергетика бугунги кунда йирим иш берувчи соҳага айланган бўлиб, таъриқда 7,7 миллион ишчи ва мутахассис фаолият юритмоқда.

Гарчи, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш ва ўрнатишга дастлаб катта маблағ талаб этилса-да, улар кейинчалик иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Бундай қурилмалардан ишлаб чиқариладиган энергия нархи йилдан-йилга пасайиб боради. Анъанавий углеводород ёқилғи ресурсларини қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш харажатлари, аксинча, кўтарилиб боради.

Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасини ривожлантириш қўллаб-қувватлаш усуллари турлича. Шу билан бирга, бундай энергия манбаи асосида ву- жуда келган электр энергиясини сотиш учун имтиёз ва преференциялар дунёнинг деярли барча давлатида жорий этилган. Махсус яшил сертификатлардан фойдаланиш, яъни қайта тикланувчи энергия манбаи орқали ҳрсил қилинган энергия- ни юқори нархда олувчи истеъмолчиларга сотиш механизми Швейцария, Буюк Британия, Италия, Бельгия, Польшада амал қилади. Бу борадаги солиқ имтиёзлари Малайя, Францияда, Кипр, Буюк Британия, Чехияда татбиқ этилган.

Бундан ташқари, имтиёзли кредитлар, соҳада илмий тadbirkorлар олиб борувчиларни ҳамда турли ускуна, қурилмалар- ни ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қув- ватлаш, кадрлар тайёрлаш ва малака- сини ошириш, намунавий лойиҳаларни намойиш этган ҳолда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳақида жамоатчилик ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлар- ини олиб боришни рағбатлантириш каби жараёнларга қаратилган алоҳида ёндашувини жаҳон тажрибасида кўп кузатиш мумкин.

Мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларига келадиган бўлсак, Германияда қайта тик- ланувчи энергетикани ривожлантиришга қаратилган 7 та қонун мавжуд. АҚШ, Австралия, Австрия, Бельгия, Бразилия, Канада, Дания, Франция, Ирандия, Жанубий Корея, Нидерландия, Португа- лия, Сингапур, Швейцария, Швейцария, Хиндистон каби мамлакатларда махсус яхлит қонунлар қабул қилинган.

Энергетика иқтисодиётининг, умуман, тараққиётининг “қон томири” ҳисоблана- ди. Шу боис мазкур соҳани ривожланти- риш ўта долзарб. Мамлакатимизда бу- гунги кунда жами ўрнатилган қувватлари 14 минг мегаваттга тенг электр станция- лари мавжуд бўлиб, бу талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етади. Яъни бугунги электр энергияга бўлган йиллик эҳтиёж 59-60 млрд. кВт/соат бўлган бир вақтда, 2030 йилга бориб ушбу кўрсаткич 107 млрд. кВт/соатни ташкил этади.

Мамлакатимизда иқтисодиётда тармоқ- лари ривожланиши ва аҳоли эҳтиёжлари ўсиши натижасида электр энергияга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқ- да. 2000 йилда бир нафар маиший фой- даланувчи бир ойда 114 кВт/соат электр энергияси ишлатган бўлса, охириги йил- ларга келиб бу кўрсаткич 200 кВт/соатга етди. Бугунги кунда республикамиз бўйича электр энергиядан умумфойдаланишда

“Энергетика иқтисодиётининг, умуман, тараққиётининг “қон томири” ҳисобланади. Шу боис мазкур соҳани ривожлантириш ўта долзарб. Мамлакатимизда бугунги кунда жами ўрнатилган қувватлари 14 минг мегаваттга тенг электр станциялари мавжуд бўлиб, бу талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етади. Яъни бугунги электр энергияга бўлган йиллик эҳтиёж 59-60 млрд. кВт/соат бўлган бир вақтда, 2030 йилга бориб ушбу кўрсаткич 107 млрд. кВт/соатни ташкил этади.

қимматлашиб бораётгани инобатта олин- са, унинг аҳамияти янада ошади. Мамла- катимизда электр энергия ишлаб чиқари- шнинг 86 фоизи иссиқлик электр стан- циялари ҳиссасига тўғри келади. Ушбу иссиқлик электр станцияларида йилга 17 млрд. м³ табиий газ сарфланмоқда, ваҳоликни, шунча газни қўшимча қиймат яратиш (синтетик ёқилғи, полипропилен олиш) жараёнларига йўналтириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, иқтимоий муаммо- ларни ҳам (аҳоли бандлиги, атроф-муҳит муҳофазаси) ҳал этиш имкониятларини яратади.

Ҳар қандай бизнес учун барқарор ва узлуқсиз энергия ресурслари таъминоти жуда зарур. Электр энергияси таъминоти

мукаммал ҳолатга келтирилмас экан, Ўзбекистоннинг олис ҳудудлари инвестор- лар учун молиявий жиҳатдан хатарли бўлиб қолаверади. Бежиз электр энергия таъминоти Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган халқаро “Ease of Doing Business” индексини белгилловчи кўрсаткичлардан бири этиб танланмаган.

Мамлакатимизнинг амал- даги бир қатор қонун ҳужжат- ларида қайта тикланувчи энергетика соҳасидagi муно- сабатларни тартибга солув- чи айрим нормалар мавжуд, шунингдек, Ўзбекистон Рес- публикасининг “Қайта тикла- нувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ҳаётга татбиқ этилган.

Юқорида келтирилган ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, соҳани ривожлантириш бўйича давлат дастурлари, йирик инвестициявий лойи- ҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қосида- ги “Физика-Қуёш” институти ҳамда Қуёш энергияси халқаро институтининг илмий ишланмалари мазкур соҳани ривож- лантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда хизмат қилмоқда. Соҳада 50 дан ортиқ тadbirkorлик субъектлари фаолият олиб бормоқда. Бироқ бугунги жадал та- раққиёт республикамизда ушбу йўналиш- да давлат сибаситни тизимли юришти- шнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб бе- рувчи мукаммал меъёрий-ҳуқуқий база- ни яратиш заруритини келтириб чиқар- моқда. Соҳада давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторни жалб қилиш тақозо қилиняпти. Амалдаги норматив- ҳуқуқий база ва техник инфратузилма- лар эса ушбу жараёнга тайёр эмас. Тур-

ЯНГИ ТИЗИМ қандай афзалликларга эга?



6 МИЛЛИОН 630 МИНГ!

Бу — рақам жорий йил бошидан айна пайтгача 178 мингдан ортиқ тadbirkorлик субъектлари

томонидан расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар (ЭХФ)нинг умумий сони. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бугун республикамизда 162 мингдан зиёд юридик шахс ва 16 мингдан ортиқ якка тартибдаги тadbirkorлар ҳисобварақ-фактураларнинг электрон шаклидан фойдаланмоқда.

Хизмат

Таққослаш учун, жорий йилнинг февраль ойи бошида 92 мингга субъект томонидан 1,4 миллионга ЭХФ расмийлаштирилганини, май ойига келиб эса бу кўрсаткич мос равишда 165 минг ва 5,4 млн.тага етганини келтириш мумкин. Бундан кўринадики, ЭХФ тизими фойдала- нувчилари сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу борада қўшилган қиймат солиғи тўловчилари, айниқ- са, фаол. Яъни 87 мингдан зиёд ҚҚС тўловчиларидан 76 мингга яқини ёки 86,5 фоизи ЭХФдан фойдаланишга ўтган.

ЭХФ айланиш тизимида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҚҚС тўловчиси ёки тўловчи эмаслигини маълумотлар базаси орқали аниқ- лаштириш имкони мавжуд. Бу эса ҚҚС “занжири” узилишининг олди- ни олиш имконини беради. Нати- жада қўшимча солиқ ҳисобланиши- га йўл қўйилмайди.

Авалл қўшилган қиймат солиғи ҳисоботини топиришда ҳисобва- рақ-фактуралар реестрини корхона- нинг ўзи тузиб чиқишга мажбур эди. Бу, табиийки, катта корхоналарга бирмунча қийинчилик тудирарди. ЭХФ тизимида эса бундай реестр автоматик равишда шаклланади.

Солиқ кодексининг 225-моддасига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғи- дан озод этилган товарларни (хиз- матларни) реализация қилишда, шу- нингдек, қўшилган қиймат солигини тўловчилар бўлмаган маҳсулот етқа- зиб борувчилар томонидан товар- ларни (хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирган- лик — маҳсулот етказиб борувчилар- га ҳисобварақ-фактурада кўрсатиш-

ган қўшилган қиймат солиғи сумма- сининг йигирма фоизи микдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бун- да маҳсулот етказиб борувчи ҳисоб- варақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт.

ЭХФ айланиш тизимидан фойда- ланилганда корхона учун бозорда- ги талаб ва таклифни ўрганиб бо- риш ҳам янада осонлашади. Чунки ушбу тизим қайси маҳсулот қарда яхши сотилаётганлигини реал вақт режимида мониторинг қилиш им- конини беради.

Бугунги кунда 17 та ЭХФ опера- тори ҳўжалик юритувчи субъектлар- га хизмат кўрсатаяпти. Улардан қай бирини танлаш корхона ёки ташки- лотнинг ихтиёрида. Бу танлов, асо- сан, операторнинг хизмат шартла- ри, у томонидан таклиф этиляёт- ган тарифлар ва корхонанинг бух- галтерия тизими билан қай дара- жада интеграция қилинишидан ке- либ чиққан ҳолда амалга оширили- ши мақсадга мувофиқ.

Операторлар билан иш бошлаш масаласи ҳам миқозлар учун анча қулай тарзда йўлга қўйилган. Яъни бунда алоҳида шартнома тузиш талаб этилмайди. Барча фаолият юритаётган ЭХФ операторларнинг сайти орқали тузилган шартнома (оммавий оферта) асосида элект- рон рақамли имзо орқали имзо- лашнинг ўзи етарли.

ЭХФ тизимининг ҳар бир опера- тори сайтида ҳужжатларнинг элект- рон тўплами мавжуд. Уларда элект- рон ҳисобварақ-фактуранинг стан- дарт шакли берилган. Бу, албатта, фойдаланувчи учун қулай, фақат расмийлаштирилса бўлди — талаб- ларга жавоб берадиган ҳужжат тай- ёр. Бундан ташқари, ЭХФ опера- тор тизимларининг барчасида то- монларнинг реквизиитлари автома- тик тарзда тўлдирилади.

Айна пайтда расман мақом берилган ЭХФ операторлари ва улар билан боғлиқ қўшимча маълумотлар soiq.uz ҳамда rouming.uz сайт- ларида жойлаштирилган. Мазкур электрон манзилларда электрон ҳисобварақ-фактурани жорий этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат- лар, тизимга доир янгиликлар ва бошқа фойдали материаллар билан яқиндан танишиш мумкин. Тadbirkorлик субъектларида тизим билан боғлиқ қандайдир савол ёки тушунмовчиликлар юзага келса, info@rouming.uz ёки <https://rouming.uz/contacts> электрон манзилла- рига муурожаат йўллаш имкони мавжуд. Муурожаатда кўрсатилган ма- салаларга мутахассисларимиз томонидан аниқ ва батафсил жавоб қайтарилади.

Абдукарим ЭШБОЕВ, «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази мутахассиси.

ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Вилоятда экспорт салоҳияти юксалаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 2019 йилнинг шу даврида корхоналар томонидан 514 турдаги маҳсулотлар хорижга жўнатилган бўлса, бу рақам бугунги кунга келиб, 582 тага етди. Экспорт қили- наётган маҳсулотлар рўйхатида қурилиш материаллари, этил спирти, маиший рўзгор буюмла- ри, турли кўзойнақлар, гилам, аёллар ва эркаклар оёқ кийим- лари асосий ўрин туттапти.

Жумладан, ҳўкуматимиз томо- нидан тadbirkorларга яратилаёт- ган шароитлар ва ҳудудда олиб бориляётган изланишлар натижа- сида ўтган йилларда импорт қилинган газоблоқ эндиликда шу ерда ишлаб чиқарилмоқда.

Тўқимачилик соҳасидаги тайёр маҳсулотлар, пахта целлюлозаси ҳамда мева-сабзавотларни экс- порт қилиш ҳажми ҳам муттасил ўсиб бормоқда. Вилоятнинг бу борадаги ютуқларига хориждаги ҳамкорлар сафи кенгайиб бо- раётгани ҳам мисол бўла олади. Яъни ўтган йили ҳудуддан 58 та мамлакатта маҳсулотлар жўнати- лган бўлса, бу йилдан чет элдаги харидорлар сафига Португалия, Руминия, Аргентина ва Венгрия ҳам қўшилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан туман ва шаҳарлардаги корхона- лар ҳамда қишлоқ ҳўжалик сек- торларининг экспорт салоҳияти- ни кенгайтириш борасида олиб борилад изланиш ҳамда тавсия- лари натижасида 92 та янги кор- хона экспорт жараёнига жалб этилди. Бугунгача бу жамоалар томонидан 38,2 миллион доллар микдоридagi маҳсулотлар хори- жий давлатларга сотилди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).

Ислон ХУШВАҚТОВ, Носир АМИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

Ўзбекистон олий таълим соҳасида Марказий Осиёда илм-фан платформасига айланади.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 44 438 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлбўлаш учун ОЯ-кодчини телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЗМАЛАР тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақидоқланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатдан чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзломлар 71-232-11-15.*




• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Гафоровов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Топширилди — 00.10

1 2 3 4 5 6